

2 – масала

“Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг қарорлари, ОЎМТВ буйруқларининг институтдаги ижроси ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2013 йил 10 январ 4/1 сонли қарори

Илмий кенгаш “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг қарорлари, ОЎМТВ буйруқларининг институтдаги ижроси ҳақида”ги масала юзасидан АЛВаКХҚ билан ишлаш бўйича проректор **А.Т.Қўлдашевнинг** ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилиб куйидагиларни таъкидлайди:

2011-2012 ўқув йилида академик лицей ва касб хунар коллежлари билан ишлашга таллуқли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари, ОЎМТВдан келган буйруқлар ҳамда институт ректори буйруқларининг ижроси ўз вақтида таъминланди. Жумладан:

СамДАҚИга бириктирилган касб-хунар коллежларининг ҳар бири бўйича ўзаро ҳамкорлик ҳаракат дастурлари намунавий дастур асосида ишлаб чиқилиб, педагогик амалиёти ташкил этиладиган институт талабаларини институтга бириктирилган касб-хунар коллежларининг тегишли фан ўқитувчиларига бириктирилиши таъминланди.

Институтга бириктирилган КХҚлар ўқувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш, шунингдек КХҚларидаги мавжуд чет эл грантлари асосида харид қилинган замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлари ёрдамида ўқувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида 2012 йил 10-15 май кунлари “Қурилишда менежмент” ва “Иқтисод ва кўчмас мулк экспертизаси” кафедралари профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда “**Ўз бизнесингизни яратинг**” номли курсни ўқитиш ташкил этилди.

2012 йил март-апрел ойларида институтининг етакчи педагог-олимлари томонидан коллеж ўқувчилари учун муаммоли мавзуларда 6 та “**очиқ дарс**” ўтказилди. Ўқитувчи ва ўқув усталари билан 12 та **семинар-тренинг** ва 7 та “**мастер-класс**” ташкил этилди. Бундан ташқари, институтнинг 5 та “**Касб таълими**” йўналишдаги талабаларининг педагогик амалиёти бевосита Самарқанд вилоят ЎМКХТ Бошқармаси билан келишилган таянч ўрта махсус таълим муассасаларида ташкил этилди.

2012 йил май-июл ойларида институтга бириктирилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари педагог ходимларини билимларини ошириш бўйича “Тилларни ўрганиш”, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Касбий таълим” кафедраларининг етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида “**Амалий инглиз тили**” ва “**Интернетдан фойдаланиш**”, “**Педагогик технологиялар**” фанларидан **36 соатлик** Дастур асосида ўқув курслари ташкил этилди.

Касб-хунар коллежларида етишмаётган ўқув адабиётлари ўрнини тўлдириш мақсадида институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан **6 та** ўқув қўлланма, **10 та** услубий кўрсатмалар тайёрланиб, ўқув жараёнига жорий этилди. Бундан ташқари 2013 йилда **Вазирлик грифи билан** нашр этиш режалаштирилган **6 та** ўқув қўлланмадан **4 таси** институт профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланди.

Институтга бириктирилган барча АЛВаКХҚда фаолият юритаётган ёш педагоглар бўйича маълумотлар базаси шакллантирилди. Шу асосда институтнинг салоҳиятли профессор-ўқитувчилари турдош касб-хунар коллежларининг ёш педагогларига “**Устоз-шогирд**” тизими бўйича бириктириб чиқилди.

2012 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятимиздаги **12 та** АЛВаКХҚ битирувчи ўқувчилари ва ўқитувчилари билан учрашувлар ташкил этилди. Ушбу учрашувларда Институт факультетлари ва мавжуд таълим йўналишларининг презентацияси ўтказилди. ДТМнинг намунавий тест-саволлари, ижодий имтиҳон материаллари билан таъминлашга кўмаклашилди.

Касб-хунар коллежларидаги СамДАҚИ таълим йўналишларига мос фанларни ўқитишга институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари жалб этилди. Ҳозирги вақтда 42 нафар профессор-ўқитувчиларимиз 16 та ўрта махсус таълим муассасаларида соатбай ва ўриндошлик асосида дарс бериб келмоқдалар.

3 – масала

“2012-2013 ўқув йиллидаги СамДАҚИ қабул комиссиясининг талабалikka қабул қилиш натижалари тўғрисида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2013 йил 10 январ 4/2 сонли қарори

Институт қабул комиссияси ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 7 майдаги “2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги **ПҚ-1751-сонли Қарори** ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги **Низомларга** амал қилган ҳолда ташкил этди.

Қабул комиссияси аъзолари ва техник ходимлар таркиби институт ректорининг 31 май 2012 йил Х-56 - сонли буйруғи билан тасдиқланди.

2012/2013 ўқув йили қабулига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш мақсадида институт бўйича қабул комиссиянинг тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва шу режа асосида ишларни бажариш таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли харбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **2012 йил 31 майдаги ПҚ-1765-сонли қарори** ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли харбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги **Низом** ҳақида абитуриентларга, уларнинг ота-оналарига маълумот берилди ва тест синовларида белгиланган имтиёзлар абитуриентларга тушунтирилди (56 та ҳарбий имтиёзга эга бўлган абитуриентлардан ҳужжатлар тушди).

2012-2013 ўқув йилида қабул комиссияси томонидан абитуриентлардан жами **3744 та** ҳужжат қабул қилинди.

Давлат тест марказининг тест синов натижаларига кўра институтга 2012- 2013 ўқув йилида **324 та** давлат гранти ва **522 та** тўлов-шартномаси шартларини бажарган талабалар институтга қабул қилинди. Институт бўйича жами **19 та** вакант (бўш) жойлари қолди.

2012/2013 ўқув йилига институт магистратурасига кириш синовларини «Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **Низом**»га мувофиқ ташкил этилди ва ўтказилиши таъминланди.

СамДАҚИда 2012/2013 ўқув йилида магистрлар тайёрлаш бўйича қабул режаси **11 та** мутахассисликлар буйича **76 та** жой берилган бўлиб бундан **11 таси** давлат гранти, **65 та** эса ўрин тўлов–контракт асосидадир. Бу мутахассисликлар бўйича жами **89 та** абитуриентлардан аризалар тушди. Магистратурага қабул натижасига кўра 11та мутахассисликлар буйича **55 та** магистр қабул қилинди.

СамДАҚИнинг **4 та** таълим йўналишига иккинчи олий таълимни олиш мақсадида **4 кишидан** ҳужжат тушди ва улар институтнинг шу таълим йўналишлари бўйича синов топшириб талабалikka қабул қилинди.

Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича институт қабул комиссиясига **108 та** ҳужжат топширилган бўлиб бу ишлар белгиланган тартибда Низом асосида амалга оширилди.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади

1. “2012-2013 ўқув йиллидаги СамДАҚИ қабул комиссиясининг талабалikka қабул қилиш натижалари тўғрисида”ги масала юзасидан масъул котиб **А.Т.Қулдашевнинг** ҳисоботи тасдиқлансин.

2. 5150900 - “Дизайн”, 5340100 - “Архитектура”, 5341000 - “Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш”, 5111035 - “Касб таълими: Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” таълим йўналишларидаги ижодий имтиҳонларни биринчи блок фанлари қаторига киритилишини Давлат қабул комиссиясидан сўралсин.
Масъуллар: Қабул комиссияси аъзолари, маркетинг хизмати бўлими, масъул кафедра мудирлари. **Муддати:** Янги ўқув йилидаги қабулгача.
3. СамДАҚИ вилоятдаги ягона техника йўналишидаги институт бўлганлиги, шунингдек “СамАвто” ва “МАН” автомобилсозлик заводларининг мавжудлиги ва мазкур фаолиятга доир мутахассисларга бўлган эҳтиёжнинг ошганлиги ҳамда абитуриентлар ва уларнинг ота-оналаридан кўплаб мурожаатлар тушаётганлигини эътиборга олиб, келгуси ўқув йилларида транспорт ва уларга хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича янги таълим йўналишларини очиш бўйича асосномалар тайёрлансин. **Масъуллар:** Маркетинг хизмати бўлими бошлиғи М.У.Саримсоқов, “Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси ва машиналари” кафедраси мудир в.б. Б.Саидмуродов. **Муддати:** 2013 йил 1 февралгача.
4. 5А340101-“Бино ва иншоотлар архитектураси”, 5А340103-“Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ҳудудий режалаштириш”, 5А340104-“Ландшафтлар архитектураси”, 5А340501-“Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” ва 5А311503-“Геодезия ва картография” мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлаш учун институтда мутахассисликга йўналтириш ишлари кенг йўлга қўйилсин. **Масъуллар:** Масъул кафедра мудирлари, қабул комиссияси аъзолари, маркетинг хизмати бўлими. **Муддати:** Доимий.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **У.А.Соатов** зиммасига юклатилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

4 – масала

“Институтда 2012 йил - “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида олиб борилган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2013 йил 10 январдаги 5/1 сонли қарори

Илмий кенгаш “Институтда 2012 йил - “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида олиб борилган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **Ғ.Х.Яхшибоевнинг** ахборотини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди:

Вазирликнинг “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 2012 йил 14 март 108-сонли буйруғи асосида институт ректорининг 26.03.2012 йил 56-а-у-сонли ички буйруғи ишлаб чиқилган. Институтда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича тармоқ дастурининг бажарилиш ҳолатини таҳлил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича **14** кишидан иборат **мониторинг гуруҳи** шакллантирилган.

Институтда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган оилада тиббий маданият даражасини янада ошириш ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилган.

Институт хотин-қизлар кенгаши Вилоят соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан ҳамкорликда талаба-ёшлар ўртасида “**Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар**», «**Ота ва онанинг бола тарбиясидаги психологик омиллари**», “**Оилам соғлом бўлсин десангиз**” ҳамда юқумли касалликлар, сил, наркомания, грипп асоратлари, гепатит “А”, “Б”, “С” формаларининг асоратлари мавзуларида суҳбатлар уюштирган.

Аҳолининг овқатланиш сифатини яхшилаш ва микронутриент етишмовчилиги профилактикаси дастурларини амалга ошириш мақсадида институт “**Саломатлик маркази**” ходимлари ҳамда институт маънавият ва маърифат бўлими ҳамкорлигида институт талаба-ёшлари ўртасида “**Овқатланиш тартиби**” мавзуларида суҳбатлар ўтказилган.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида СамДУда уюштирилган “**Энг намунали оила**” танловида институтдан 1 нафар оиланинг иштироки таъминланган.

Каттақўрғон шаҳри ва Каттақўрғон тумани аҳолисига “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида ижтимоий-гуманитар кафедралари томонидан ўқув семинарлари ташкил этилди.

Институтда ўтказилган “Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор” мавзусидаги кўрик танловнинг 2-босқич ғолибларининг энг яхши мақоласи, энг яхши иншоси, энг яхши реферати кўрик танловнинг Республика босқичига юборилган.

Тошкент шаҳридаги тарихий масканлар, мустақиллик йилларида барпо қилинган биноларга **45 нафардан** зиёд профессор-ўқитувчи ва талаба-ёшларнинг саёҳати уюштирилган.

Институт талаба-ёшларининг юксак маънавият ва маданиятини шакллантиришда ота-она ва устоз-мураббийлар ўртасидаги ҳамкорликни тизимли асосда йўлга қўйиш мақсадида “Ота-оналар куни” ўтказиб борилди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Институтда 2012 йил - “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида олиб борилган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **Ғ.Х.Яхшибоевнинг** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Институт талаба-ёшлари ўртасида тиббий маданият даражасини янада ошириш ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтиришга қаратилган тадбирлар давом эттирилсин. **Масъуллар:** Институт саломатлик маркази, декан муовинлари ва гуруҳ мураббийлари. **Муддати:** Доимий.

3. Ёш авлодни оилавий қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида талабалар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиниб борилсин. **Масъуллар:** Хотин-қизлар кўмитаси раиси Р.Қаршубоева, декан муовинлари ва гуруҳ мураббийлари. **Муддати:** Доимий.
4. Институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзи даражасини ошириш мақсадида спорт мусобақалари ҳар чорақда ўтказиб борилсин. **Масъуллар:** “Жисмоний тарбия” кафедраси мудир ва маънавият бўлими. **Муддати:** Доимий.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **Ғ.Х.Яхшибоев** зиммасига юклатилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

Ҳар хил масалалар.

Кун тартибдаги ҳар хил масалалар бўйича сўз **Р.Т.Эшмаматовга** берилди.

I. Ўқув қўлланмани чоп этиш тўғрисида.

Эшитилди :

“Қурилишда менежмент” кафедраси доценти **У.А.Мухаммадиев**, профессор **А.Н.Жабриев** ва катта ўқитувчи **М.Юзбоевалар** томонидан тайёрланган “**Менежмент асослари**” номли ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Қурилишда менежмент” кафедраси доценти **У.А.Мухаммадиев**, профессор **А.Н.Жабриев** ва катта ўқитувчи **М.Юзбоевалар** томонидан тайёрланган “**Менежмент асослари**” номли ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат берилсин.

II. Магистрантларнинг диссертация мавзулари ва илмий раҳбарларини тасдиқлаш тўғрисида.

Эшитилди :

2012-2013 ўқув йилида **1 босқич** магистратура кирган **55 нафар** магистрантларнинг диссертация мавзулари ва илмий раҳбарларини **1 иловага** мувофиқ тасдиқлаш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

2012-2013 ўқув йилида **1 босқич** магистратура кирган **55 нафар** магистрантларнинг диссертация мавзулари ва илмий раҳбарлари **1 иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов